

Қиёмат кунда нажот ва ютуқ



09:00 / 14.03.2023 6604

Қиёмат кунда (банда эришадиган) нажот, ютуқлар орасидаги фарқ

1. Фавзул мубин (Очиқ-ойдин ютуқ).
2. Фавзул кабир (Катта ютуқ).
3. Фавзул азим (Буюк ютуқ).

1- Фавзул мубин - дўзахдан нажотнинг айнан ўзидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

«Айтинг: «Албатта мен агар Парвардигоримга итоатсизлик қилсам, улуғ кунда (Қиёматда Аллоҳ томонидан) бўладиган азобдан қўрқаман. Ўша кунда кимдан (азоб) четлатилса, бас унга (Аллоҳ) раҳм қилибди. Мана шу очиқ нажотдир!», деган. *(Анъом сураси, 16-17-*

оятлар).

2 – Фавзул кабир – жаннатга киришнинг айнан ўзидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

«Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Мана шу буюк саодатдир», деган. *(Буруж сураси, 11-оят).*

3 – Фавзул азим- Аллоҳнинг розилигига эришишдир.

Аллоҳ таоло бу ҳақда: **«Аллоҳнинг розилиги эса ҳамма нарсадан улуғроқдир. Мана шу буюк саодатдир»** деган. *(Тавба сураси, 72-оят).*

Аллоҳ сизу бизни ютуққа эришувчилардан қилсин!

Манба: *arabic.uz*